

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАРНИНГ ИЧКИ РУҲИЯТИДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАР

**Қаршибоева Г. ЖДПИ, Умумий психология кафедраси катта
ўқитувчиси**

Сайдмуродова И, Педагогика ва психология йўналиши талабаси

Аннотация: Кўпчилик ногирон аёллар кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келиб, уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Калит сўзлар: ногирон аёллар, маданий ва иқтисодий, кундалик турмуш, ижтимоий ёрдам, фуқоролик жамияти, ижтимоий ёрдам.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф-5006-сон фармойиши билан ташкил этилган Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларнинг аҳволи комплекс ва чуқур ўрганилди

Мазкур жараёнда ахолининг кенг қатламлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари юқори фаоллик ва дахлдорлик ҳиссини намоён қилдилар. Бунда:

- ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация самарадорлигини ошириш
- ногиронлиги бўлган аёлларга репродуктив саломатлик хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;
- ногиронликнинг муайян турларини тўлиқ енгиб ўтиш имконини берувчи замонавий тиббиёт, таълим ва ижтимоий технологиялардан, шу жумладан ривожланишдан ортда қолиш, эшлишиш ва кўриш қобилиятининг бузилиши, ижтимоий-психологик бузилишларни эрта аниқлаш тизимидан фойдаланишни кенгайтириш;

Кўпчилик ногирон аёллар кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келиб, уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ногиронлиги бўлган аёллар, умуман, жамоатчилик учун «кўринмас» бўлиб қолмоқда, бу эса ногиронларга қаратилган хайрия-йўналтирилган муносабатларга ва уларнинг ижтимоий рад этишига олиб келмоқда.

Ногирон аёллар жамиятда икки карра нокулай аҳволда эканлиги умумий тарзда эътироф этилган: улар ҳам жинсига кўра, ҳам ногиронлик бўйича турли кўринишдаги фаолиятдан чекланган. Бошқа аёлларга нисбатан ногирон аёллар кўпол жисмоний муносабат ва шаҳвоний зўравонлик курбони бўлиш

хавфига 2-3 баробар кўп учрайди. Ногирон аёллар камида иккита – жинси ва ногиронлиги белгиси бўйича камситишнинг объекти бўлиши мумкин.

Ногирон аёллар ва ногирон қизлар уйларида ҳам, уйлари ташқарисида ҳам кўпинча зўравонлик, жароҳатланиш ёки тажовуз қилиш катта хавфига, эътиборсизлик ёки бепарволик муносабатига, ёмон муомала ёки эксплуатацияга дуч келишларини кўришимиз мумкин. Албатта, бундай ҳолатлар уларда психологияк руҳий зўриқиши орқали ногиронликнинг ривожланиши олиб келади.

Ногирон аёлларнинг жамиятда кенг қамровли иштироки – демократия учун аҳамияти жуда муҳимдир. Барча фуқароларнинг иштирокисиз давлатни ҳақиқий демократик давлат деб эътироф этиш мумкин бўлмайди. Бундан ташқари, ногиронларнинг сиёсий ҳаётда иштирокини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида уларни жалб этишга асос бўлади.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган аёлларга психологик хизмат кўрсатиш худудлардаги “Махалла ва оила” илмий тадқиқот марказлари орқали олиб боришга ҳаракат қилинмоқда. Афсуски, баъзи ҳудудларда ногиронлиги бўлган аёлларнинг руҳий зўриқишилари уларнинг турмуш тарзига салбий таъсирлар кўрсатмоқда. Уларга ташқи ва ички ижтимоий психологик таъсирлар, юқорида кўрсатилганидек, тегишли даражада таълим олиш ёки машқ қилиш, соғлиқни сақлаш ва реабилитация ёки бандлик имкониятларидан фойдаланишда ногиронлиги бўлмаган аёлларга нисбатан камроқ шароитлар мавжудлиги жиддий салбий таъсир кўрсатилиши орқали руҳий зўриқиши, ногиронлик ҳолатининг янада ривожланишига, атроф-муҳитга бўлган қарашларида норозилик ҳолатларини келтириб чиқаради.

Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани Нурафшон МФЙ да жойлашган кам таъминланган оилалар учун намунали уйларда яшовчи ногирон аёллар билан ўтказилган учрашувларда уларнинг оилавий аҳволи, оилавий ўзаро муносабатлари, албатта, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишиларини, ўз оилавий турмуш тарзини яхшилаш ва ўз касалликлари билан курашишларини кўришимиз мумкин. 1-жадвалда ногирон аёлларнинг оилавий таркибини ва ногиронлик даражасини кўришимиз мумкин. Ҳар бир ногиронлиги мавжуд оиланинг ўз ҳаёти, турмуш тарзи бўлиб, соғлом инсонларга нисбатан уларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган умидлари, мамлакатда бўлаётган сиёсий-иктисодий ўзгаришларга муентазам қизиқиб, эртанги кунни умид билан кутиб яшайди.

Ҳозирги кунда, афсуски, ногирон аёлларнинг ўзларига бўлган ишончсизлик:

- Мен соғлом ҳолатга келмагунимча мактабда ўқий олмайман, бирор жойда ишлай олмайман ёки одамларга қўшила олмайман деган фикр мавжуд;
- Жисмоний ҳолатларидан келиб чиқиб ўзларини бошқаларга тенглаша олмайман, улардек бўла олмайман деган тушунча, умидсизлик кучлилиги;
- Ўз ҳуқуқларини билмасликлари Ноқулай Жисмоний муҳитлар ва муносабатлар .
- Ногирон аёллар нафақат оилаларида балки жамоатчиликда ҳам уларга бўлган салбий муносабатлар ва ишончсизликлари, уларнинг эҳтиёжларини

охирги ўринда инобатга олиниши, жисмоний муҳит билан боғлиқ турли тўсиқлар сабабли фаол иштирок эта олмасликларига олиб келмоқда.

Ижтимоий – майший муаммо ногирон аёлларда вужудга келиши, албатта, яшаш жойларининг таъмир талаблиги, шарт-шароитларининг етишмаслиги, уларнинг турмуш тарзининг ёмонлашувига олиб келади.

Ёш ногирон хотин-қизларнинг таълим муассаларда таълим олишга бўлган ҳоҳиши истакларининг пайдо бўлиши ижтимоий психологик жиҳатдан руҳий соғломлаштиришга олиб келади.

Психологик муаммолар улардаги билиш жараёнларини ижтимоий фаолият давомида қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Иш билан таъминланиши ногирон аёлларининг саломатлиги, ногиронлик даражасидан келиб чиқиб, баъзи тўсиқларга учрашга сабаб бўлади. Бу ҳолат, албатта, уларда психологик зўриқишлир ҳамда атрофга бўлган негатив қарашларни келтириб чиқаради.

Аёл қачон ўзини баҳтли хис этади? Қачонки оилада ҳаловат топса. Оиласида ҳаловати бор аёлнинг соғлиги мустаҳкам, ишида унум, янги режалар сари яқдил қадами бўлади. Бу оддий ҳаёт қонуни! Бироқ аёлларни қийнаётган турли соҳалардаги чигалликлар, муаммолар ва ечимини йиллар давомида кутаётган оғриқли масалалар борки уни ечимини топишда тизимли тартибда бирдамлик билан ҳаракат қилинмаса, жамият ривожига салбий таъсирини ўтказаверади.

Ақли заифлик деганда бош миянинг жароҳатланиши ёки органик ривожланмаганлик билан боғлиқ бўлган руҳий ва биринчи навбатда ақлий бузилишни тушуниш керак.

Ақли заифликнинг клиник-психологик кўринишида асосий бузилиши бўлиб билиш фаолиятининг яққол етишмаслиги ҳисобланади. У онгнинг пастлиги, умумлаштириш жараёнининг йўқлиги, психик жараённинг турғун бўлмаганлиги, хотиранинг етарли бўлмаслиги, дикқат ва бошқа қатор функциялардаги камчиликлар борлиги билан ҳарактерлидир.

Адабиётлар рўйхати:

- 1.Qarshiboyeva, G.Ozligingni angla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.
- 2.Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Факторы суициального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.
- 3.Qarshiboyeva, G.ХАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.
- 3.Qarshiboyeva, G.ЯЗЫК И ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСШИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 4.Qarshiboyeva, G.OILADA BOLALARNI XALQ OG ‘ZAKI IJODI NA’MUNALARI ASOSIDA TARBIYALASH. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 5.Qarshiboyeva, G.ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ. Архив Научных Публикаций JSPI.

- 6.Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R. Oquvchi sportchilarning intilish darajasi. Архив Научных Публикаций JSPI.
- 7.Каршибаева, Г. А. Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
- 8.Каршибаева, Г. А. Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).
- 9.Каршибаева, Г. А., Н.Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).
- 10.Каршибаева, Г. А.Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.
- 11.Каршибаева, Г. А.Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.
- 12.Каршибаева, Г. А., Норбекова, Б. Ш., & Туракулов, Л. Т. Суицид-это не просто способ обратить на себя внимание. European journal of education and applied psychology, (2).
- 13.Каршибаева, Г. А. Самоубийство в ряду других социальных явлений. Молодой ученый, (5), 581-584.
- 14.Каршибаева, Г. А., Абдукадырова, Н. Х., & Абдукаримова, Э. И.Педагогические конфликты-неизбежные спутники школьной жизни. In Аспекты и тенденции педагогической науки (pp. 115-117).
- 15.Каршибаева, Г. А.Некоторые факторы преодоления суицидальных действий среди подростков. In Психология: традиции и инновации (pp. 68-71).
- 16.Karshiboeva, G. ХАРАКТЕРИСТИКИ МОТИВАЦИОННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОДРОСТКОВ С СУИЦИДАЛЬНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ. EurasianUnionScientists, 1(10 (79)), 48-49.
- 17.Karshibayeva, G. Diagnostics and Preventive Measures against the Suicidal Behavior of Teenagers. YOUNG SCIENTIST USA., 117.
- 18.Каршибаева, Г. А., & Шарофиддинов, А. (2018). Роль пословиц в воспитании детей. Молодой ученый, (49), 275-277.
- 19.Каршибоева, Г. А. СОВРЕМЕННЫЙ АНАЛИЗ СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ (Doctoral dissertation).
- 20.Каршибаева, Г. А.,Б. У. Расулов, Д. Р. Расулова, О. Э. Эшмуратов. Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка : непосредственный // Образование и воспитание. — 2018. — № 2 (17).
- 21.Qarshiboyeva, G. (2020). ХАРАКТЕРИСТИКИ МОТИВАЦИОННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОДРОСТКОВ С СУИЦИДАЛЬНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ. Архив Научных Публикаций JSPI.